*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 236 (9882). • 1990 йил 11 декабрь • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

*ТАСС ахбороти*

## РЕЖАЛАР БАЖАРИЛДИ

### ФАЗОГИРЛАР ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИ

Совет фазогирлари Геннадий Манаков ва Геннадий Стрекалов ҳамда япон журналисти Тоехиро Акияма «Мир» илмий-тадқиқот комплексида белгиланган режани бажариб бўлганларидан сўнг 10 декабрь куни Москва вақти билан соат 9 дан 08 минут ўтганда ерга қайтиб тушдилар.

«Союз ТМ-10» космик кемасининг ерга туширувчи аппарати Орқалик шаҳридан 69 километр шимоли-шарқдаги жойга қўнди.

Ерга қўнгандан сўнг фазогирлар ўзларини яхши ҳис этишмоқда. Виктор Афанасьев билан Муса Манаров станцияда ишни давом эттирмоқдалар.

Еттинчи асосий экспедиция вақтида экипаж катта ҳажмдаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва тажрибаларни бажарди. Бир неча технология қурилмаларида хоссалари яхшиланган ярим ўтказгич материаллар монокристалларининг навбатдаги туркуми олинди.

Геофизика тадқиқотлари режалари доирасида сайёранинг турли минтақаларини фотосуратга тушириш, шунингдек Ер атмосферасининг физик ҳоссаларини ўлчаш давом эттирилди.

«Кристалл» модулининг ташқи сатҳида ўрнатилган илмий аппаратлар ёрдамида космик фазодан келаётган рентген, гамма ва нейтрон нурлар тадқиқотининг кенг туркуми бажарилди.

Экипаж парвози вақтида олинган материалларнинг бир қисми биринчи марта «Прогресс М-5» юк кемаси таркибига кирган баллистик капсула ёрдамида ерга етказиб берилди.

Япон журналисти Тоехиро Акияма саккиз кун давомида Совет фазогирлари билан биргаликда ишлади. У кўп миқдорда телевизион ва радио репортажлар ўтказди, бир қанча илмий тажрибаларни бажарди. «Мир» станциясидаги Совет-Япония экипажининг иши космосда ҳар томонлама халқаро ҳамкорлик қилиш намунасидир.

# *Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи тўғрисида*

# *АХБОРОТ*

8 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи ўз ишини давом эттирди.

Мажлисда съезднинг тайёргарлик комиссиялари номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиблари А. И. Икромов ва Р. А. Попов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари хусусида тушган мулоҳаза ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ахборот бердилар.

Тузатишлар, қўшимчалар ва ўзгартишлар муҳокама қилинганидан кейин съезд Ўзбекистон Коммунистик партиясининг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиши, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат дастурини қабул қилади, шунингдек Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Уставини тасдиқлайди. Съезд Устав жумҳурият партия матбуоти саҳифаларида эълон қилинганидан кейин кучга кирган деб ҳисоблансин, деган қарорни қабул этади.

Съездда КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади ва тушган саволларга жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Съезд ишида КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби Г. И. Янаев, КПСС Марказий Қўмитаси Котибиятининг аъзоси Г. Турғунова, КПСС Марказий Қўмитаси Ташкилий бўлими секторининг мудири Н. И. Семенов қатнашдилар.





КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов делегатлар билан (ўнг даги сурат); съезднинг мажлислар залида. ЎзТАГ олган суратлар.

*Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи*

# ЖУМҲУРИЯТДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИ ТАШКИЛИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ (ИККИНЧИ БОСҚИЧИ)ГА МАЪРУЗАСИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ

## С. М. МАМАРАСУЛОВ нутқидан

Жамиятни инқироздан халос қилиш учун, КПССнинг мавқеи ва обрў-эътиборини ошириш учун нима қилмоқ керак? Биз Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини, Уставини қабул қилар эканмиз, мана шу асосий саволларга бугун жавоб қайтаришимиз керак.

Бу ҳужжатлар бизнинг истиқболдаги ишларимизни белгилаб беради, аммо ўтмишга тўғри баҳо бериш ҳам партиянинг обрў-эътибори учун муҳимдир. Бунда мен «пахта ишлари» деб аталган машмашани назарда тутяпман. Марказнинг сукунатли маъқуллаши билан масъулиятсиз сиёсий лўттибозлар бу ишларни ҳаммамиз учун ҳақоратомуз «ўзбеклар иши» деб атадилар. Ўзбекистонда яшаб турган барча халқлар бошига беҳуда ёғдирилган маломат тошлари ва разил сўзлар учун ким жавоб беради?! Агар бирон-бир кимса жиноят қилган бўлса, бунинг учун қонун олдида тўла-тўкис жавоб бераверсин.

Ҳозир мамлакат пешволари шахс ҳуқуқларини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзларининг бош мақсади деб эълон қилдилар. Бу — жуда яхши. Шунга биноан улар ўн минглаб кишиларнинг ҳуқуқлари қўпол бузилганлиги учун халқ олдида кечирим сўрашлари керак. Биз ўз съездимизда шу масала юзасидан махсус қарор қабул қилишимиз лозим.

Партиянинг мавқеи ҳақида гапирганда, унинг кадрлар сиёсатига, иқтисодиётга, ижтимоий муаммоларга муносабатлари тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Партия бу муаммолар билан шуғулланиши керак ва шарт. Илгари биз ҳамма масалалар, ҳатто кундалик хўжалик масалалари билан ҳам шунчаки шуғулланиб келган бўлсак, энди минтақалар, меҳнат жамоалари тараққиётининг истиқболи масалаларига кўпроқ эътибор беришимиз керак. Аммо мазкур муаммоларни бутунлай эътиборсиз қолдириб бўлмайди, акс ҳолда бизнинг ҳукмрон партия эканлигимиз қаерда қолади?

Шу сабабли Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурига Ўзбекистон Компартияси бошқа сиёсий жамоат ҳаракатлари билан курашда сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиб, истиқболда жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб беради, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга, давлат ва хўжалик қурилишида қатнашишга кўмаклашади, улар орқали ўз сиёсатини ўтказади, деб аниқ ёзиб қўйиш лозим.

Шу муносабат билан Ҳаракат дастурининг тузилишини бироз ўзгартиришни таклиф қиламан. Аҳолининг фаровонлигини оширишга, ҳар бир киши учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга тааллуқли бўлимни муқаддимадан кейин энг биринчи ўринга қўйиш керак, чунки биз бу масалаларни Ўзбекистон Компартиясининг бош мақсади, деб атаяпмиз.

Кейинги вақтларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети жумҳурият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболларини ишлаб чиқиш, одамларнинг энг зарур талаб ва эҳтиёжларини ҳал этиш намунасини кўрсатаётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Унинг ташаббуси билан кўпгина яхши ишлар бошланди ва бу нарса Ўзбекистон Компартиясининг мавқеи ҳамда обрў-эътибори ўсишига шак-шубҳасиз кўмаклашмоқда.

Биз вилоятдан келган делегатлар кенгашида маслаҳатлашиб олгач, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги мураккаб босқичида Ўзбекистон Президенти ва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларини бир-биридан ажратиш тўғрисидаги масалани кўтариш керак эмас, деган хулосага келдик. Бу лавозимларнинг бирга қўшилиши барқарорликни сақлаб қолишга ёрдам беради ва қабул этилаётган барча қарорларнинг ижросини жадаллаштиради, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котибига амалий ёрдам бериш учун биринчи котибнинг ўринбосари лавозимини Уставга киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мумкин бўлур эди.

Шу билан бирга Марказий Комитетимизга баъзи мураккаб масалаларни ҳал этишда кўпроқ кенгашиб иш тутиш, кенг фаоллар билан маслаҳатлашиб туриш истагини билдирмоқчимиз.

Марказий Комитет котибларига ва аъзоларига жойларга тез-тез бориб турсинлар, деган истакни ҳам билдирмоқчимиз. Марказий Комитетнинг биринчи котиби ўртоқ Каримовга ҳам шу гап тааллуқли. Унинг иш билан жуда бандлигини тушунамиз, бироқ, қандай бўлмасин, бошланғич партия ташкилотларидаги одамлар билан учрашиб туриш лозим.

Бунинг устига, ҳозир улардан кўпчилиги ўз ҳаракатларида тўғри йўлни топа олмай қолмоқда: мустақилликни олишди-ю, ундан қандай фойдаланишни билишмаяпти. Айрим жойларда партия йиғилишлари ўтказилмай қўйилди, меҳнат жамоаларининг турмушида партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти пасайиб кетди. Натижада партиядан чиқиш ҳоллари кўпаймоқда, бу масала Марказий Комитет Бюросининг мажлисида жиддий муҳокама қилинди. Биз бу ҳодисани камайтириш учун бир қанча чора-тадбирларни кўрдик. Партия ташкилотларига коллектив бўлиб боришни одат тусига киритдик, обком, унинг бюроси аъзоларини шу ташкилотларга бириктириб қўйдик, бошланғич партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга бағишланган пленум, бошланғич партия ташкилотлари котибларининг семинарларини ўтказишга ҳозирлик кўряпмиз.

Бу масалада Марказий Комитет ҳам кўпроқ ёрдам беришини истар эдик. Ҳозирча Марказий Комитетдагилар Бюрода шу масалани муҳокама қилгач, бундан буён иш ўзидан ўзи юришиб кетаверади, деган қарорга келиб, хотиржамликка берилдилар, деган таассурот туғилмоқда.

Баъзи масалалар хусусида аниқ бир тўхтамга келмоқ керак, бу ишни КПСС раҳбариятидан бошламоқ лозим. Масалан, М. С. Горбачевнинг миллатлараро масалаларда тутган нуқтаи назарини тушунмаяпман. Биз КПСС Марказий Комитетининг шу масалага оид Пленуми зарурлиги ҳақида бир ярим йил шовқин-сурон қилдик. Унинг қарорлари эса қумга қуйилган сувдек йўқ бўлиб кетди, уларнинг ижросини ҳеч ким назорат қилмаяпти. Янги Иттифоқ Шартномаси тўғрисидаги гап-сўзларни икки йилдан бери эшитиб келяпмиз, шу вақт ичида ҳақиқатда бир неча қардош иттифоқдош жумҳуриятдан ажралдик.

Муҳтарам олимларимиз, ёзувчиларимиз, журналистларимиз «байналмилалчилик», «халқлар дўстлиги» сўзларини тилга олмай қўйганликлари турмушда кўпни кўрган мен каби коммунистга жуда оғир ботмоқда. Хўш, улар оддий кишилар номидан гапирамиз деяптилар-у, аммо ўша кишилардан, бошқа миллатга мансуб қўшнинг сенга нима ёмонлик қиляпти, деб сўраганлармиди?

Биз кўпмиллатли жумҳуриятимиз бутун аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаб қолганимиздагина барча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этамиз, Ўзбекистонни инқироз ҳолатидан чиқариб оламиз.

Марказий Комитетнинг мафкуравий комиссияси байналмилал тарбиянинг пухта ўйланган, мукаммал дастурини ишлаб чиқиш билан тезроқ шуғулланиши, жумҳуриятнинг партия комитетлари ва ташкилотларини шу дастур билан қуроллантириши лозим.

Нутқимда айтмоқчи бўлган охирги масала. Кўпдан-кўп яхши қарорлар қабул қилиш мумкин, бироқ уларни ижро этишда қатъият, ҳужумкорлик ҳаракатлари бўлмаса, улар қоғозда қолиб кетаверади. Мамлакат ва партиянинг сиёсий раҳбарияти узлуксиз муросалар, тилёғламаликлар сиёсатини ўтказиб келмоқда, бу эса жамиятимиз инқирози чуқурлашиб бораётганининг сабабларидан биридир. КПСС Марказий Комитетининг бўлғуси Пленумида партия раҳбариятидан ҳаракатлар ва ишларда қатъият ва принципиалликни кучайтиришни қаттиқ талаб қилиш, партияни ўринсиз ҳуружлардан ҳимоя қилиш, унинг шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўриш вазифасини унинг зиммасига юклаш зарур.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МССЖ «МАДАНИЯТ» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИЖАРАЧИСИ

## З. ПИРНАЗАРОВ нутқидан

Съездимизнинг биринчи босқичидан кейин орадан ярим йил вақт ўтди. Шоликорлик давлат хўжалигининг оддий меҳнатчиси, қорақалпоқ халқининг вакили сифатида мен учун шу вақт чуқур фикр-ўйлар даври бўлди, партиямиз, давлатимиз ривожланиши қандай бораётганини идрок этишга интилдим.

Мен КПСС XXVIII съезди ишида қатнашдим, унинг Марказий Комитети аъзолигига сайландим. Шундан кейин аҳоли, ўз районим, мухтор жумҳурият коммунистлари ҳузурида бир неча бор сўзга чиқдим, КПСС ва Ўзбекистон Компартияси съездларининг, улар Марказий Комитетлари Пленумларининг қарорларини тушунтириб бердим.

Бугун мен Ўзбекистон Коммунистик партияси Ҳаракат дастури билан Уставининг съездга тақдим этилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлайман. Уларни халқ фаровонлигини ошириш соҳасида олдимизда турган вазифаларни амалга оширишнинг таъсирчан воситаси, деб ҳисоблайман. Бозор

(Давоми иккинчи бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1990 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат комиссиясининг III пленуми бўлди. Марказий Назорат комиссияси раиси Ш. М. Йўлдошев «Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи қарорлари асосида жумҳурият партия ташкилоти назорат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» маъруза қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат комиссияси аъзосининг мақоми ҳамда Марказий Назорат комиссиясининг 1991 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Музокараларда Қўнғирот районидаги Чапаев номли давлат хўжалиги партия қўмитасининг котиби К. Ж. Набиев, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта илмий ходими Ф. М. Ҳасанова, Хоразм вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг раиси Э. Ҳакимов, Мирзачўл районидаги С. Сегизбоев номли совет хўжалигининг звено бошлиғи Н. В. Стряпшева, Тошкент шаҳар партия ташкилоти назорат комиссиясининг раиси В. А. Шалупов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О. Қ. Адаманов, Ўзбекистон ССЖ ижтимоий таъминот вазири С. А. Хўжаева, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши режалаш ва бюджет-молия масалалари қўмитасининг раиси Э. Ж. Боқибоев, Бухоро вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг раиси О. Холматов, Тошкент учувчилар комплекси ИЛ-86 самолётининг борт муҳандиси Р. А. Сафоев, Ленинск шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Ш. Ф. Юсупов қатнашдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Пленум Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти кенгашининг раиси О. Алимов ва Тошкент халқ хўжалиги илмгоҳининг ректори С. С. Ғуломовни Марказий Назорат комиссияси раёсатининг аъзолари этиб сайлади.

Пленум Д. А. Маркицкий жумҳуриятдан бошқа жойга кетганлиги муносабати билан шахсий илтимосига кўра уни Марказий Назорат комиссияси таркибидан чиқарди.

Пленум шу билан ўз ишини тугаллади.

*Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг*

## *ФАРМОНИ*

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ КОМПЛЕКСИ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Деҳқончилик-саноат комплексида давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини фарқлаб қўйишга оид аниқ тадбирларни амалга ошириш, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини ривожлантириш, бозор муносабатларини жорий этиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида қарор қиламан:

1. Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитасини Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги жумҳурият вазирлигига — Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитаси кенгаши ва ҳайъатининг таклифлари қабул қилинсин

2. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И. Ҳ. Жўрабековга янги бўлинмаларни ташкил этиш ва илгари Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитасига кирган бошқа тармоқ бўлинмаларини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритиш вазифаси топширилсин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 8 декабрь.

*Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг*

## *ФАРМОНИ*

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ РЕЖАЛАШ ҚЎМИТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИҚТИСОДИЁТ ҚЎМИТАСИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССЖ Мустақиллиги тўғрисида эълон қилинган Декларация асосида давлат ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий сиёсатини шакллантириш, жамоат ишлаб чиқаришини ўстириш ресурслари ва манбаларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшилаш йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кўрсатма асосидаги режалаштиришдан халқ хўжалигини ривожлантиришни бошқаришнинг иқтисодий шаклларига изчил ўтишни таъминлаш мақсадида ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида замонавий бошқарув ва ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этишнинг ўсиб бораётган аҳамиятини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон ССЖ Давлат режалаш қўмитаси негизида Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси зиммасига:

— Жумҳуриятнинг табиий ва меҳнат ресурсларини, илмий-техникавий ҳамда ишлаб чиқариш имкониятини ҳисобга олиб, уни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган тахминларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий кўрсаткичларини белгилаш;

— Жумҳуриятнинг бозор муносабатларига ўтиш сиёсатини шакллантириш ва унинг дастурлари рўёбга чиқарилишини назорат қилиш;

— Асосий халқ хўжалик, табиий-моддий, молиявий ва бошқа балансларни тузиш, катта хўжалик, ижтимоий ва илмий-техникавий муаммоларни ҳал этишга оид умумжумҳурият дастурларини тайёрлаш;

— Бошқа жумҳуриятлар ва минтақалар билан ўзаро самарали ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш;

— Хўжалик механизмини, халқ хўжалигини ривожлантириш жараёнига иқтисодий таъсир воситалари ва усулларини такомиллаштириш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, умумиқтисодий комплекс раҳбари ўртоқ Б. С. Ҳамидов бир ой муддат ичида Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитасини юқори малакали кадрлар билан бутласин ва унинг самарали ишлашини таъминласин; Ўзбекистон ССЖ Иқтисодиёт қўмитаси қарамоғидаги ташкилотларни ҳисобга олиб, унинг тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва уни Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқлаши учун тақдим этсин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри. 1990 йил. 8 декабрь.

*Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичи*

# ЖУМҲУРИЯТДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИ ТАШКИЛИЙ-СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ (ИККИНЧИ БОСҚИЧИ)ГА МАЪРУЗАСИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

иқтисодиётига ўтишнинг қийин шароитида бизга ғоялардагина эмас, амалий ҳаракатларда ҳам мустақиллик керак.

Компартия Ҳаракат дастурининг меҳнатни рағбатлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, меҳнаткашларнинг пировард натижадан манфаатдорлигини ошириш хусусидаги қоидаларини маъқуллайман. Ўзбекистонда Мулкчилик тўғрисидаги, Ижара муносабатлари ҳақидаги қонунларга қатъий риоя этилишини талаб қиламан, шундагина биз— ижарачилар ўзимизни ер эгалари деб ҳис қиладиган бўламиз.

Устав ҳақида гапирсам, унда Қорақалпоғистон партия ташкилотининг мақоми биринчи марта алоҳида таърифлаб берилган. Айниқса, Қорақалпоғистоннинг давлат суверенитети тўғрисидаги масала кўтарилаётган пайтда бу айниқса қувончлидир. Бу масала хусусида бизда ҳар хил фикрлар, турли талқинлар бор. Аммо менинг назаримда ҳақиқат шундан иборатки, тенг ҳуқуқлиликдан бошқа йўл йўқ. Шу сабабли Ўзбекистон ССЖ Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ўртоқ И. А. Каримовнинг Қорақалпоғистонимизга боргани бизни қувонтиради. У жумҳурият фаоллари ҳузурида сўзга чиқиб, халқнинг мустақилликка интилишини қўллаб-қувватлади.

Мустақиллик иқтисодиётни, ижтимоий соҳани янада ўстиришга кўмаклашиши лозим. Қайси миллатга мансублигидан қатъи назар инсонга хизмат қилиши керак, деган фикрга кўпгина меҳнаткашларимиз қўшиладилар. Мен суверенитетни Ўзбекистон ССЖ таркибидаги мустақиллик, ҳамкорлик, қардошлик, ҳамжиҳатлик, мададкорлик деб тушунаман. Бизнинг келажагимиз фақат бирликда, ягона оила бўлиб яшашдадир.

Яна бир масалага — партиянинг обрў-эътибори тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистоннинг демократия қоидалари асосида янгиланган Компартияси обрў-эътиборини таъминлаш учун биз Марказий Комитетдан тортиб партия ташкилотининг қуйи бўғинларигача сайлаб қўйилган партия органларининг масъулиятини кескин оширишимиз лозим. Шу органлар таркибига сайланган коммунистлар ибрат, юксак ғоявийлик намуналарини кўрсатишга мажбурдирлар. Баъзан партияга ва Совет давлатига қарши ошкора ва ёвуз кампания бошланган пайтда улар сукут сақлаб турмасликлари керак. Ҳаммамиз шу ҳақда ўйлаб кўришимиз лозим.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ва Устави таклиф этилган вариантларини қабул этиш ҳақидаги фикрга қўшиламан.

**СИЁСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИЛМГОҲИНИНГ РЕКТОРИ**

## М. И. ИСКАНДАРОВ нутқидан

Ўзбекистон Компартияси Дастури ва Уставининг муҳокамаларга қўйилган лойиҳаларида жумҳурият Компартияси социалистик йўлни ва коммунистик истиқболни танлаб олган партия сифатида мустақил равишда стратегик мақсадлар ва вазифаларни белгилаши, шунга мувофиқ равишда дастурий ҳужжатлар ва Уставни ишлаб чиқиши жуда тўғри таъкидланган. Бунинг маъноси шуки, биринчи марта чинакам суверенитет ва мустақиллик сари ҳақиқий йўл очилмоқда.

Айрим ўртоқлар Ўзбекистон Компартияси учун ўз Дастури ва Устави зарурми, деган саволни қўймоқдалар. КПСС Дастури аслини олганда амал қилмаётган ҳозирги пайтда, бузғунчи кучлар партиямизни барбод қилиш учун ҳамма ишни қилаётирлар. Бундай шароитда Ўзбекистон Компартиясининг ўз Дастури ва Уставини қабул қилишимиз зарур.

Қабул қилинаётган ҳужжатларда жумҳурият коммунистларининг демократиллаш, чинакам кўп партиялилик шароитида умумбашарий қадриятларга амал қилаётган ва Конституцияга риоя этаётган барча илғор ташкилотлар ва жамоат ҳаракатлари билан алоқа қилишга интилаётган ташкилот сифатида ўз мавқеини англаши етарли даражада аниқ акс эттирилган.

Тараққиётимизнинг ғоят масъулиятли босқичида биз ишни эски юклардан мумкин қадар тезроқ ва бутунлай қутуладиган, жумҳуриятни демократия асосида янада ривожлантириш учун масъулиятни чуқур ҳис этишни ҳар бир коммунистнинг, айниқса, раҳбарнинг шон-шараф иши ва ватанпарварлик бурчи деб ҳисобланадиган тарзда олиб боришимиз керак. Жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан соғломлаштиришда барча фойдали, принципиал жиҳатларни қўллаб-қувватлаш ва кўпайтириш лозим. Мамлакатдаги вазият жуда мураккаб. Марказ ва унинг айрим раҳбарлари баъзан пухта ўйламай шошма-шошарлик билан иш қилмоқдалар. Бундай шароитда жумҳуриятимиз раҳбар ходимларининг бирлигини, барча соғлом кучлар жипслашишини таъминлаш, гуруҳларнинг манфаатларидан, шахсий манфаатлардан, маҳаллий манфаатлардан, қуруқ гаплар ва ғийбатлардан устун туриш керак. 20 миллионли халқ бизни кузатиб турганлигини ҳамиша ёдда тутишимиз лозим. Агар биз халқнинг орзу-умидларини оқлай олмасак, у бизни кечирмайди.

Муҳокама қилинаётган масала янгидан ташкил этилган сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳига айниқса, яқиндир. Дастур ва Устав лойиҳалари бизда қизғин муҳокама қилинди, таклифлар киритилди, булар бу ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш чоғида ҳисобга олинди. Жумҳуриятнинг мустақиллиги, унинг Компартияси мустақиллиги ва бозорга ўтиш шароитида кадрларнинг мавқеи ҳар қачонгидан ҳам ошади. Бу соҳада биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II пленуми қарорларига амал қилмоқдамиз. Ўзбекистон Компартияси КПСС таркибида қолади ва мустақил бўлади, жумҳуриятимиз эса суверен жумҳурият бўлади. Бундай шароитда агар биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросини ўзгартириб, Украина ва Қозоғистонда бўлгани каби, уни Сиёсий бюрога айлантирсак, тўғри бўлур эди. Бундай ўзгартириш жумҳурият Компартияси сиёсий ҳамда раҳбарлик марказининг, унинг Марказий Комитети аъзоларининг, барча коммунистларнинг масъулиятини оширишига ишончим комил.

Намангандаги воқеалар тўғрисида икки оғиз гап. Мен у ерда бўлдим, кеча қайтиб келдим. Наманганда фожиа юз берди. Биз ҳаммамиз бундан афсусланамиз, жуда ачинамиз. Менинг назаримда, агар айрим раҳбарлар, мансабдор шахслар ва аввало, журналистлар вазиятни, ҳақиқий аҳволни билмай туриб бутун дунёга жар солмаганларида, текширилмаган, баъзан ҳақиқатга ҳам ўхшамайдиган хабарларни матбуотга бермаганларида эди, вазият аллақачон барқарор тус олган бўлур эди. Воқеа юз берган жойга бормасдан, нима гаплигини билмасдан, воқеаларнинг шоҳидлари билан, ҳозир у ерда ишлаётган тергов идоралари ходимлари билан учрашмасдан, бу ҳақда қандай ёзиш мумкин? Бу воқеалар Армияга қарши қаратилмаган, зеро сиёсий ҳаракат ҳам эмас — фактлар шундан далолат бермоқда, Намангандаги ҳарбий маъмурларнинг вакиллари ҳам шу ҳақда гапирмоқдалар. Бу турмушда бўладиган жанжал, бу муштлашиш ҳар икки томондан — ҳарбий хизматчилар ва фуқаролардан 8 кишининг ёстиғини қуритди. Бу фожиада мен ҳеч кимни оқлай олмайман. Бундай хатолардан кейин, ўзбекларга қарши бундай кампаниядан кейин юртимиздан олисда ҳалок бўладиган юртдошларимиз сони кўпаймаса эди, деб қўрқаман.

Мен гувоҳлик беришим мумкин, Наманганда русларга қарши кайфиятни сезмадим. Ҳарбий маъмурлар, прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари ҳозирча тергов олиб бораётган эканлар, аниқ хулосалар ҳозирча йўқ экан, бу воқеалар ҳақида барча газеталарда шу қадар кўп ёзиш, радио, телевидение орқали бир томонлама ахборотларни эшиттириш зарурмиди?

Марказий матбуот вакиллари, мен сизларга мурожаат қиламан, сизлар кўп вақтдан буён ўзбеклар диёрида яшаяпсиз, халқ, минг йиллик бой тарихга, маданий меросга эга бўлган халқ сахийлик билан бутун бойлигини сизлар билан баҳам кўряпти, дўстлик, қардошлик каби байналмилал сифатлар фазилати бўлган бу халқ, ҳозир ўз ватанпарварлик бурчини мураккаб шароитда бажараётган бу халқ Ватан бахт-саодати йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқда, бошига тушган кулфатларга, бахтсизликларга сабот билан бардош бериб меҳнат қилмоқда. Нима учун сизлар ўз хабарларингиз билан бошқа одамларда шу халққа нисбатан ҳурматсизлик ва нафрат уйғотяпсиз? Шундай таассурот пайдо бўлмоқдаки, бизнинг бошимизга тушган фожиа, бахтсизлик кимларгадир қўл келяпти. Жумҳуриятдаги аҳволнинг барқарор тус олиб бораётганлиги, барча соғлом кучларнинг жипслашаётганлиги уларга мақбул бўлмаётганга ўхшайди. Ўтган йиллар давомида бирлигимизга, жипслигимизга, халқларимиз дўстлигига қанчалик зарар етказилганлигини ҳозир партиямиз ҳам, мамлакат раҳбарлари ҳам, биз ҳаммамиз ҳам кўриб турибмиз. Бунинг оқибатлари ҳар соҳада: ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашувида, аҳоли турли гуруҳларининг ажралиб, бир-бирига қарши туришида, миллатлараро нифоқнинг кучайиб боришида ва бошқаларда намоён бўлмоқда.

Ўтмишда биз беҳад узоқ сукут сақладик. 30-йилларнинг охирларида айбсиз ҳалок бўлган жумҳуриятимизнинг дастлабки раҳбарлари Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва бошқаларнинг фаолиятида бўлгани каби жумҳуриятимиз турмуши ва мудофаада сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ғоявий тусдаги кенг миқёсли вазифаларни дадиллик ва қатъият билан ўртага қўя олмадик ва ҳал қила олмадик. Ўша пайтдан буён кўп йиллар ўтди. Мана энди КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, мамлакатимиз Президенти Михаил Сергеевич Горбачев ташаббуси билан бошланган қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик туфайли қаддимизни тиклаб, жумҳуриятимиз тараққиётининг туб муаммоларини яна қатъий ва дадил ҳал қилмоқдамиз. Халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга интилмоқдамиз.

**ТОШКЕНТДАГИ ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИ НОМЛИ ТЕПЛОВОЗ РЕМОНТИ ЗАВОДИ ИШЧИСИ**

## А. Г. ШАБАНОВА нутқидан

Мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий инқироз, раҳбар коммунистларга ишонч йўқолганлиги, мафкуравий соҳадаги ўпирилишлар, эртаги кундан умидсизлик коммунистларнинг КПСС сафидан чиқишига асосий сабаблардан биридир.

Шу йилнинг 11 ойи мобайнида бизнинг партия ташкилотимизда 42 киши КПСС аъзолигидан чиқди.

Албатта, коммунист номига доғ тушираётган кишилардан, порахўр унсурлардан, янги дастурий ҳужжатлар ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун имконият беришига умид қилган кимсалардан халос бўлган партия ташкилотларининг фаол позициясини ҳар томонлама қўллаб-қувватласа арзийди.

Бироқ партиядан чиққанлар орасида 10—15 йиллик ва ундан ҳам кўпроқ партия стажига эга бўлган софдил, ҳалол ишчилар ҳам бор. Ростини айтсам, шундай коммунистлар учун юрагим ачийди. Улар билан ўтказилган кўпдан-кўп суҳбатлар ва тушунтиришлар ҳозирча дуруст натижа бермаяпти. Бизнинг партқомимиз, завод фаоллари бу муаммони унчалик уддалай олмаяптилар. Партиядан чиққанларнинг 70 фоизга яқини моддий ишлаб чиқариш соҳасининг вакиллари эканлиги бизни айниқса ўйлантириб қўймоқда.

Коммунистларнинг партиядан чиқишини тўхтатиш учун ҳамма жойда: ишлаб чиқаришда, транспортда, савдо-сотиқда, таъминотда, тақсимотда зудлик билан тартиб ўрнатиш зарур, деб ҳисоблайман. Хуллас, бутун ишни ҳеч кечиктирмай инсон манфаатларига қаратиш керак.

Менинг назаримда, жумҳуриятда содир бўлаётган воқеалардан рус тилида сўзлашувчи аҳоли яхши хабардор эмаслиги ҳам сабабларнинг яна биридир. Мафкура соҳасида муаммоларимиз кўп. Аммо биз Марказий Комитетнинг шу муаммолар билан шуғулланувчи котиби ўртоқ Ж. Ҳ. Ҳамидовни телевизор экранида бирон марта кўрмадик. Бунинг устига Ўзбекистон телекўрсатувининг эшиттиришларини кўп кишилар кунига 15 дақиқа кўрадилар, бу — рус тилидаги «Ахборот» программасидир.

Жумҳурият раҳбарияти айниқса бозор муносабатларига ўтиш даврида меҳнаткашларнинг ижтимоий-маиший, ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш соҳасида кўп иш қилмоқда. Буни ҳамма билиши керак. Шу сабабли Ўзбекистон телекўрсатувининг иккинчи канали орқали ўзбек тилидагина эмас, рус тилида ҳам эшиттиришларни режалаштириш ва кўрсатиш лозим.

Мен ишчилар жамоасининг вакили, коммунист бўлганим учун ҳам шаҳар саноат корхоналари билан 1991 йил учун айниқса халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш хусусида хўжалик шартномалари тузилишидаги сусткашликдан ташвишланяпман. Такрор айтаман, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мана шундай бўляпти.

Иттифоқ Шартномасига муносабатнинг равшан эмаслиги бу аҳволни айниқса мушкуллаштирмоқда. Эҳтимол, бу ҳужжат корхоналарда, ташкилотларда муҳокама қилинаётгандир, аммо биз қандай таклифлар тушаётганлиги, бу ҳужжатни пухталаштириш соҳасида қандай иш олиб борилаётганлиги ҳақида зарур ахборотни олмаяпмиз.

Ўзбекистон Компартияси Уставининг лойиҳасини коммунистлар асосан қўллаб-қувватламоқдалар, бу ҳужжат коммунистлар фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб бермоқда, бироқ пухтароқ ишлаб чиқилиши лозим бўлган қоидалар бор. Лойиҳада бевосита бошланғич партия ташкилотларини бирлаштирувчи район, шаҳар ташкилотлари Ўзбекистон Компартиясининг таянч бўғинидир, деган гап бор. Шу сабабли район партия комитети ўзи олаётган маблағларни районнинг барча коммунистлари номидан тақсимлашга ҳақли бўлиши керак, деб ўйлайман ва кўпгина коммунистлар ҳам шу фикрга қўшиладилар. Акс ҳолда коммунистлар сайлаб қўйган ва ўз тақдирини ишониб топширган райком аъзолари ҳеч нарсани ҳал қила олмайдиган, тавсиялар ишлаб чиқишдан нарига ўта олмайдиган бўлиб қолади.

Тошкент шаҳридаги бизнинг Ленин район партия комитетимизда партиянинг мана шундай жамғармаси икки йилдан бери мавжуд, унинг маблағлари районнинг хайрия жамғармасига, маош олиб ишлайдиган ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари котибларига қўшимча ҳақ тўлашга берилмоқда.

Тошкент шаҳар партия ташкилотига вилоят партия ташкилоти мақоми берилишини коммунистлар жуда маъқуллаб кутиб олдилар. Гарчи мендан олдин сўзга чиққан ўртоқ Мамарасулов бошқача фикрда бўлса ҳам, мен ўз фикримни айтяпман. Ўйлайманки, пойтахт шаҳар партия комитети ўз муаммоларини бемалол ўзи ҳал қила олади ва биз бу ерда, съездда ишлаб чиқаётган сиёсатни ва вазифаларни турмушга татбиқ этишни уддалай олади.

Бутун меҳнаткаш халқимизни ҳаяжонга солиб турган яна бир жуда муҳим масала ҳақида гапирмоқчиман. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг нисбатан барқарорлиги, жумҳуриятда яшаб турган барча миллатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллатидан қатъи назар Ўзбекистонни азиз ва она юрт деб биладиган ҳар бир меҳнатчи учун шароит яратиб бериш йўли — мана шуларнинг ҳаммаси кўп жиҳатдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўртоқ Каримов бошчилигидаги ҳозирги раҳбарияти моҳирона ўтказаётган сиёсатнинг самарасидир.

Шу сабабли ишчилар ҳозирги шароитда ўртоқ Каримов Ўзбекистон Компартиясига бош бўлиб қолиши керак, деган фикрни съездда айтишни мендан қатъий илтимос қилдилар.



Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди иккинчи босқичи.

Делегатлар танаффус вақтида ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Суратчи Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒУЗОР РАЙОНИДАГИ «ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БРИГАДА БОШЛИҒИ**

## С. МУРОДОВА нутқидан

Вилоятимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг фаолиятини маъқуллаб, қўллаб-қувватлашмоқда. Ҳозир иқтисодиётни соғломлаштириш, жамиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатиш, миллатлараро можароларнинг олдини олиш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Бу тадбирларни жумҳуриятдаги барча меҳнаткашлар қўллаб-қувватлаяпти. Жумҳурият раҳбариятининг сўзи ва иши бирлиги ҳам одамларда қайта қуришнинг муқаррар эканлигига ишонч уйғотмоқда.

Партия ташкилотлари ўзларининг бундан буёнги фаолиятларида қишлоққа, бу ерда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор берган тақдирдагина партиянинг обрўси ортади. Чунки халқ одамлар тўғрисида ўйлаётган, улар тўғрисида ғамхўрлик қилаётганларгагина эргашади. Ишончим комилки, сиз билан биз аъзо бўлган партия бунга қодир. Бундан ташқари партиянинг обрўси кўп жиҳатдан унинг раҳбарларига, улар ишни қандай йўлга қўйишларига боғлиқдир.

Бизнинг Ғузор районимизда ҳозир муаммолар анчагина, лекин улар орасида энг асосийси — сув танқислиги ҳам ичимлик сув, ҳам суғориш учун сув етишмаётганлигидир. Бу масала узоқ йиллардан буён ҳал этилмай қоляпти. Биз ишни ана шундай долзарб муаммолардан бошлашимиз лозим.

Мен Ўзбекистон Компартиясининг дастурини, унинг Уставини қўллаб-қувватлайман ва уларни қабул қилишни таклиф этаман. Шу билан бирга ўз таклифларимни киритмоқчиман.

Менимча, дастурда байналмилал тарбияга алоҳида эътибор берилиши керак. Чунки, ҳаммага маълумки, жумҳуриятимиз аҳолисининг кўпмиллатлилиги коммунистлардан сиёсатни байналмилаллик руҳида олиб боришни талаб қилади. Шу мақсадда дастурга коммунистлар байналмилал сиёсат билан боғлиқ ҳар қандай масалага алоҳида эътибор беришлари, ҳар қандай миллат ва элат манфаатларини ҳурмат қилиш ишида қатъиятли бўлишлари лозим, деган сўзлар киритилишини таклиф қиламан.

**ЎЗБЕКИСТОН ССЖ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

## Б. А. АЛЛАМУРОДОВ нутқидан

Партия ва социалистик тузумимиз қизғин, мураккаб кунларни бошидан кечирмоқда. Жумҳурият меҳнаткашлари эртанги кунга хавотирлик билан назар ташламоқдалар. Бундай шароитда касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишни ўзларининг асосий вазифаси деб ҳисобламоқдалар.

Касаба уюшмалари фаолиятида чуқур сифат ўзгаришлари содир бўлмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг сентябрь ойида бўлиб ўтган съезди якунлари бундан ёрқин далолат беради. Хўжалик ва буйруқбозлик ваколатларидан воз кечиш, ташкилий тузулмадаги муҳим ўзгаришлар шулар жумласидандир. Эндиликда демократик централизм ўрнига федерализм қоидалари касаба уюшмалари ишига асос қилиб олинмоқда. Бу эса касаба уюшма ташкилотларининг тўла мустақиллигини, турмуш ўртага қўяётган ҳар қандай масалаларни ижодий ҳал этиш имкониятини таъминламоқда.

Мамлакат бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги пайтда касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишдан кўра муҳимроқ вазифаси йўқ. Жумҳурият аҳолисининг қарийб ярми ҳозирги вақтда камбағал яшаётганлигининг сабаби нимада? Кўп йиллар давомида бизга юқоридан кўрсатмалар берилар эди. Ана шу кўрсатмаларда етиштириладиган маҳсулот миқдори, унинг таннархи, олинадиган иш ҳақи миқдори белгилаб берилар эди. Етиштириладиган маҳсулот қийматининг озгина қисмигина меҳнаткашларга иш ҳақи тариқасида тўланарди. Эртадан кечгача пахта терган теримчига арзимаган ҳақ тўланар эди.

Жумҳуриятимизнинг ҳозирги раҳбарияти пахта теримида деҳқонлар меҳнатига бирмунча адолатли ҳақ тўлаш чораларини кўрганлиги яхши бўлди. Шундай шароитда энг яхши теримчиларимиз бу йилги мавсумда 2—3 минг сўм даромад олишга муваффақ бўлдилар. Бироқ шу пайтгача меҳнатга ҳақ тўлаш узил-кесил тартибга солинмаган.

Ҳамон иш кунининг қиймати сарф қилинган меҳнатга амалда мутлақо мос келмайди. Биз халқ хўжалиги барча тармоқлари учун мавжуд нормаларни қайта кўриб чиқишимиз, бозор иқтисодиётига ўтилганда яшаш мумкин бўлган турмуш даражасини таъминлаш учун меҳнаткашларимиз иш ҳақини оширишимиз лозим. Бу эса съездда қабул қилинадиган дастурда ўз аксини топиши керак.

Бозор иқтисодиётига ўтилгандан кейин қандай қийинчиликларга дуч келишимиз мумкинлигини биз ҳали тўла даражада тасаввур қила олмаймиз. Одамлар турли съездлар ва йиғилишлардан, самарасиз учрашувлардан, турли миш-мишлар ва беҳуда гаплардан жуда чарчади. Бунинг устига халқнинг фикри билан ҳисоблашмай хилма-хил дастурлар қабул қилинаётганлиги уни ташвишлантирмоқда. Одамлар келгусидаги қийинчиликлардан эсанкираб қолмасликлари учун ишчилар ва деҳқонлар орасида бозор иқтисодиёти қонунияти ва тартиблари тўғрисидаги билимларни кенг тарғиб этиш керак, деб ҳисоблайман. Биз ҳозир фақат раҳбарларнинг ўқиши билан оворамиз.

Шуни рўй-рост айтиш лозимки, бутун мамлакатда бўлгани сингари жумҳуриятимизда ҳам меҳнат интизоми қониқарли даражада эмас. Қайси тармоқни олмайлик, ҳамма жойда тартибсизлик ва интизомсизлик ҳукмронлик қилмоқда. Корхоналар шартнома мажбуриятларини барбод этмоқда. Хўжалик алоқалари узилмоқда, кун сайин пул қадрсизланмоқда. Деярли барча моллар ва хизматлар тақчиллиги кучаймоқда.

Ҳар куни минглаб ишчилар сабабсиз ишга чиқмаяпти. Бутун жумҳуриятда ҳар куни касаллиги сабабли 157 минг киши ишга чиқмаётганлигини бунга қўшадиган бўлсак, нима сабабли Тошкент тўқимачилик комбинати сингари ўнлаб йирик корхона бекор туриб қолаётганлиги ёки тўла қувват билан ишламаётганлиги аён бўлади. Агар ҳар биримиз ўз иш жойимизда куч-ғайрат сарфлаб, ташаббус билан ишламас эканмиз, бундай ҳолат жумҳуриятда кескинликка олиб келиши мумкин.

Ёшлар олдида турган иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий муаммолар уларнинг ижтимоий лоқайдлигига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда кейинги йилларда жумҳуриятда рўй берган барча салбий воқеаларда ёшларнинг иштироки бор. Совет, комсомол ва ниҳоят касаба уюшмалари ташкилотлари ёш авлодга етарли эътибор бермаётганликлари, уларнинг фикрига қулоқ солмаётганликлари бунинг асосий сабаби, деб ўйлайман. Шуни очиқ-ойдин айтиш лозимки, биз ёшлар билан олиб бориладиган ишларда ишдан кўра гапга кўпроқ эътибор беряпмиз. Фикри сўралган ёшларнинг атиги учдан бир қисмигина қайта қуриш йилларида уларнинг турмуши бирмунча яхшиланганлигини айтди. Ёш мутахассисларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 100 сўм атрофида, бу эса мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан 30—40 сўм камдир.

Ёш ишчиларнинг кўпчилиги маиший шароити бўлмаган ва яхши жиҳозланмаган ётоқхоналарда ёки ижарага олинган уйларда яшайди. Кўпгина ёш оилаларда фарзанд туғилиши қўшимча молиявий қийинчиликлар билан боғлиқ фожиага айланмоқда.

Мана шу минбардан корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, партия ва касаба уюшмаси ходимларига мурожаат қилиб, уларни ана шу муаммоларга ғоят жиддий эътибор беришга, ёш оилалар тўғрисида амалда ғамхўрлик қилишга, уларни оталиққа олишга даъват этаман. Жумҳурият касаба уюшмалари талабалар турмуш шароитининг қийинлигини ҳисобга олиб ва ўз ички имкониятларини чамалаб кўриб, келгуси йилдан бошлаб уларга турли бепул йўлланмалар беришга қарор қилди. Умуман биз ёшлар тўғрисидаги қонунни тезроқ қабул қилишимиз, унда ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар мажмуини кўзда тутишимиз керак.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жумҳурият меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга оид биринчи галдаги ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Биз ушбу дастурни касаба уюшмалари XIV съездининг иккинчи босқичида қабул қиламиз. Дастур қоидалари бугун муҳокама қилинаётган ҳужжатлар мазмунига ҳамоҳангдир. Бугунги кунда партия бизларни ишда тенг ҳуқуқли ҳамкорликка даъват этмоқда. Ўз сафларида етти ярим миллион кишини бирлаштирган жумҳурият касаба уюшмалари Ўзбекистон Компартияси билан биргаликда жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш, ижтимоий адолат ва аҳолининг осойишта турмушини қарор топтириш учун муносиб шарт-шароит яратиш йўлида бутун куч-ғайратини сарфлашга тайёрдир. Шу муносабат билан ҳозирги пайтда жумҳурият барча соғлом кучларини бирлаштириш, уларни Ўзбекистон партия ташкилоти теварагида жипслаштириш зарур деб ҳисоблайман.

**БОҒОТ РАЙОНИДАГИ «БОҒОТ» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ БРИГАДА БОШЛИҒИ**

## К. ОЛЛОБЕРГАНОВ нутқидан

Партия ва ҳукумат деҳқонларнинг иқтисодий мустақиллигини ҳозирги вақтда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим омили деб билмоқдалар. Сўнгги йилларда хўжалигимизда қишлоқ меҳнат аҳлининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, даромадларини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш юзасидан муайян иш қилинмоқда. Бироқ айрим хўжаликларда илгари қўлга киритилган марралардан чекиниш кўзга ташланмоқда, бу эса бизни ташвишга соляпти. Бундай аҳвол меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги сабабли юз бермоқда, деб ўйлайман. Бизга берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни ғоят ўзгача тушуниш ҳолларига дуч келмоқдамиз. Юқоридан олинган кўрсатмаларни буйруқбозлик деб ҳисоблашяпти, ўзлари эса тегишлича ташаббус кўрсатишмаяпти. Оқибатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайиш ўрнига камайиб кетяпти. Сўнгги йилларда пахта майдонлари анча қисқарди, пахта етиштирилган майдонларда янги боғлар барпо этилмоқда, сабзавот, полиз экинлари, озуқа экинлари етиштирилмоқда. Бу яхши иш, албатта. Лекин ўлкамизни тўйдираётган ва кийинтираётган, даромадларимизнинг асосий манбаи бўлган пахтага деҳқонлар муносабати бирмунча ёмонлашгани бизни ташвишга соляпти, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак.

Сабзавот ва мева етиштириш бирмунча кўпайган бўлса ҳам, унинг сифати ҳамон яхши эмас. Кўпгина хўжаликларда давлатга тарвуз ва қовуннинг ҳар килограммини 11 тийиндан сотишга мажбур бўлишди. Деҳқонлар меҳнатидан фақат пахтачиликда эмас, бошқа тармоқларда ҳам, шу жумладан шоликорликда фойдаланиш керак. Пахта-беда ва шоли алмашлаб экиш яхши натижа беради. Лекин шоли харид нархларининг арзонлиги сўнгги йилларда ушбу муҳим маҳсулотни етиштиришда катта қийинчилик туғдирмоқда. Шолининг харид нархлари қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблайман. Ана ўшандагина биз барча тармоқлар баравар ривожлантирилишига эришамиз.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун аҳолининг томорқалари кенгайтириляпти. Шу ерларда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш асосий вазифа бўлиши керак. Бунинг учун биз томорқа хўжаликларини барча зарур нарсалар билан етарли миқдорда таъминлашимиз лозим. Афсуски ҳозир ҳосилни йиғиштириб олиш ва уни қайта ишлаш даврида давлат хўжалиги учун зарур шароит яратилмаяпти. Шу сабабли кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари нобуд бўляпти. Бизга чоғроқ қайта ишловчи корхоналар ва замонавий омборлар керак. Эскирган машина-ускуналар ўрнига биз замонавийларини ўрнатишимиз лозим. Шундай қилсаккина жаҳон стандартларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришимиз мумкин. Яна бир муаммо бизни ташвишга соляпти: бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан техника таъминоти қандай бўлади? Хўжаликларнинг раҳбарлари қандайдир деталлар ёки механизмларни излаб минтақада кезиб юришадими ёки таъминот марказлаштирилган тартибда йўлга қўйиладими? Менимча, хўжаликларни марказлаштирилган тартибда таъминлашни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Агар шундай қилмасак, бизда, деҳқонларда катта қийинчилик туғилади. Қишлоқларимизда бошқа муаммолар ҳам бор: мактаблар, болалар боғчалари, маиший, маданий-ижтимоий иншоотлар етишмаяпти. Вилоятимиздаги хўжаликларда бундай иншоотларни қуриш учун етарли имконият йўқ. Ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар давлат маблағлари ҳисобига қурилганда эди, аграр тармоқни ривожлантириш учун янги имкониятлар очилган бўлур эди.

(Давоми учинчи бетда).

